

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.31.01.2019.  
Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВ ЖАСУР МАМАТҚОДИРОВИЧ**

**Ҳ.М. АБДУЛЛАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ  
ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**07.00.02 – Фан ва технологиялар тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Хасанов Жасур Маматқодирович**

Ҳ.М. Абдуллаевнинг Ўзбекистон фани ривожигаги ўрни ва илмий мероси ..... 5

**Хасанов Жасур Маматқодирович**

Место Х.М. Абдуллаева в развитии науки Узбекистана и его научное наследие ..... 23

**Khasanov Jasur Mamatqodirovich**

Place H.M. Abdullayeva in the development of science of Uzbekistan and its scientific heritage ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.31.01.2019.  
Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВ ЖАСУР МАМАТҚОДИРОВИЧ**

**Ҳ.М. АБДУЛЛАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ  
ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**07.00.02 – Фан ва технологиялар тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Tar101 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://adu.uz>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамсутдинов Рустамбек Темирович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аҳмедов Ашраф**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.31.01.2019.Tar.60.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Андижон давлат университетининг 1000 ўринлик биноси, 1-қават, 108-аудитория. Тел.: (0374) 225-73-21; факс: (0374) 225-73-21; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz) Андижон давлат университети).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Бош бино). Тел.: (0374) 223-84-33; факс: (0374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.Н. Расулов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**М.О. Алихожиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**У.С. Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари инсон капиталини ривожлантириш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш орқали инновацион ривожланишни йўлга қўйиш жамият фаровонлигини таъминлашда яққол намоён бўлмоқда. Алоҳида шахсларнинг илмий фаолияти натижалари мамлакатлар тараққиётига улкан ҳисса қўшгани, улар томонидан яратилган илмий ижод маҳсули бир неча ўн йилликлар давомида барқарор тараққиётни таъминлаб берганлиги боис, йирик фан арбобларининг илмий меросини ўрганишга зарурат кучаймоқда. Бу, ўз навбатида, муайян халқнинг тарихий қадриятлари ва улуғ аждодлари меросини умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда тадқиқ этиш эҳтиёжини вужудга келтиради.

Буюк алломалар ва илм-фан фидойиларининг илмий фаолияти, фанлар ривожига қўшган ҳиссаси дунё миқёсида изчил равишда ўрганилмоқда. Хусусан, табиий, аниқ ва техника фанларини жадал ривожлантириш ўта долзарб бўлган ҳозирги кунда мураккаб ва зиддиятли шароитларда мазкур фанлар ривожига муносиб ҳисса қўшган йирик олим ва фан арбобларининг ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, таниқли олимларнинг илмий фаолияти, жаҳон фанига қўшган ҳиссаси, жамият тараққиётида тутган ўрни, совет жамиятининг муайян давридаги фан ривожининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ўз ечимини кутмоқда. Айниқса, совет ҳокимияти йилларида юртимиз илм-фани тараққиёти ва халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган олимлар ва давлат арбобларининг ҳаёти ва фаолияти каби масалалар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда, хусусан, иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур масаланинг долзарблигини “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”<sup>1</sup>, деб таъкидлади. Бу жиҳатдан ўз илмий мактабини яратган Ҳабиб Муҳаммедович Абдуллаевнинг ўзбек илм-фани ривожига, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини, у қолдирган катта меросни илмий асосда кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 29.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПФ-4907-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таниқли олим Ҳ.Абдуллаев ҳақида замондошлари, ҳамкасблари ва шогирдлари томонидан эсдаликлар, хотиралар, рисоалар ҳамда илмий мақолалар яратилган. Унинг ҳаёт йўли ва илмий ижодига бағишлаб нашр этилган ишларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб нашрлар олимнинг ҳаёт йўлига бағишланган хотира, рисола ва мақолалар<sup>2</sup> бўлиб, уларда маълумотларнинг такрорланиш ҳолатлари учрайди.

Олимнинг рафиқаси Фотима Абдуллаеванинг туркум хотиралари<sup>3</sup> мавзу моҳиятини очишда муҳим ёрдамчи манбадир. Ундаги материаллар Фотима Абдуллаеванинг шахсан ўзи кўрган ва билган воқеа-ҳодисалар, маълумотлар сифатида ғоят қимматлидир.

Иккинчи гуруҳга Ҳабиб Абдуллаевнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва илмий меросига оид илмий нашрлар<sup>4</sup> киради ва уларда олимнинг илмий ғоялари ва муҳим янгиликлари таҳлил этилган.

<sup>2</sup> Гафуров В. Йирик геолог олим (Ҳ.М. Абдуллаев) // Ўзбекистон маданияти, 1959 йил 30 апрель; Мирхожиев И., Қаҳҳоров А. Сўнмас вулкон // Тошкент окшоми, 1966 йил 27 август; Петров Н.П. Ўзбекистон қора металлургияси ва олим // Тошкент окшоми, 1966 йил 27 август; Зокиров М. Маъданшунослар отаси // Гулистон. 1968. №11. – Б. 10-11; Мавлонов Ғ. Жавохиршунос // Фан ва турмуш. 1971. №5. – Б. 13-15; Мирхўжаев И., Қаҳҳоров А. Умр ҳайкали // Совет Ўзбекистони, 1972 йил 13 декабрь; Қаҳҳоров А., Гаффорова М. Академик Ҳабиб Абдуллаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 56 б; Хамроев И., Борисов О., Раҳматуллаев Х. Истеъдод кирралари // Совет Ўзбекистони, 1982 йил 21 сентябрь; Аҳмаджонов М., Раҳматуллаев Ҳ. Фанга бағишланган умр // Тошкент окшоми, 1982 йил 21 сентябрь; Қорабоев Қ. Ҳабиб Мухамедович Абдуллаев. – Тошкент: Фан, 1987. 38 б; Абдуллаева Ф. Эл фарзанди // Шарқ юлдузи. 1987. №1. – Б. 113-116.

<sup>3</sup> Абдуллева Ф. У киши шундай эдилар // Фан ва турмуш. 1973. №5. – Б. 24-26; Ўша муаллиф. Донишманд // Фан ва турмуш. 1987. №3 ва №4; Ўша муаллиф. Умр йўлдошим ҳақида // Ўзбекистон овози, 1992 йил 29 июль, 31 июль, 4 август, 11 август, 15 август, 9 сентябрь ва 3 октябрь сонлари; Ўша муаллиф. Буюкликка йўл (Хотиралар). – Тошкент: Академнашр, 2017. – 208 б.

<sup>4</sup> Памяти Х.М. Абдуллаева // Изв. АН СССР. Серия геология. 1962. №9. – С. 117-118; Ҳабиб Мухамедович Абдуллаев: [Некролог] // Изв. АН Таджикской ССР. Отд-ние геол.-хим. и техн. наук. 1962. Вып. 2(8). – С. 103-105; Роль члена-корреспондента АН СССР академика АН УзССР профессора Х.М. Абдуллаева в

Ёзувчи Ражаббой Рауповнинг “Устун” роман-хотира китобида<sup>5</sup> Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти ва фаолияти бадиий жиҳатдан ўз аксини топган. Унда мустабид тузумнинг Ҳабиб Абдуллаев тақдирига кўрсатган ҳам ижобий, ҳам салбий таъсири, фан ривожига қўшган ҳиссаси, геология соҳасида эришган илмий муваффақиятлари қисман очиб берилган.

“Водийнома”да “Тарихий шахслар” рукни остида эълон қилинган<sup>6</sup> қатор мақолаларда Ҳ.М.Абдуллаевнинг ҳаёти ва илмий фаолиятининг шу давргача ўрганилмаган янги қирралари, унга нисбатан қилинган тазйиқ ва ўринсиз танқидлар аниқ мисоллар билан очиб берилган.

Мустақиллик йилларида нашр этилган фундаментал тадқиқот, дарслик ва ўқув қўлланмаларда<sup>7</sup> 1940–1960 йиллардаги фан, таълим ва маданият ривожланиш масалалари қаторида Ҳ.М.Абдуллаевнинг фаолияти ҳам қисман ёритилган.

“Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)” асарининг иккинчи китоби<sup>8</sup> “Ўзбекистонда фан: ривожланиш муаммолари ва зиддиятлар” деб номланган 3-параграфиди 1950-1960 йилларда республика фани тараққиёти масалалари ёритилган. Китобда геология-қидирув ишлари натижасида ўнлаб нефть конлари ва нодир металллар, қалай, мис, олтин, мрамор конлари топилгани, шунингдек, Ҳ.М.Абдуллаевнинг республикадаги ёш олимларга ғамхўрлик кўрсатганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган<sup>9</sup>.

Хуллас, мазкур мавзу ўзбек тарихшунослигида шу вақтгача яхлит, алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**  
Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари

---

развитии геологической науки в Узбекистан // Узбекский геологический журнал. 1963. №3; Баймухамедов Х.Н., Борисов О.М., и др. Вклад Х.М. Абдуллаева в металлогеническую науку // Узбекский геологический журнал. 1967. №3; Беляевский Н.А. Вклад Х.М. Абдуллаева в развитие металлогенических представлений // Узбекский геологический журнал. 1972. №4. – С. 3-5; Хамрабаев И., Закиров М. Основоположник металлогенической школы // Вечерный Ташкент, 14 декабря 1972 г.; Ҳамробоев И.Х., Зокиров М.З. Тоғлар таъзим қилган олим // Совет Ўзбекистони, 1972 йил 14 декабрь; Мавлянов Г.А., Хасанов А.С. Роль Х.М. Абдуллаева в развитии гидрогеологии и инженерной геологии в Узбекистане // Узбекский геологический журнал. 1982. №4. – С. 58-59; Баймухаммедов Х.Н. Металлогенические идеи Х.М. Абдуллаева и их дальнейшее развитие // Узбекский геологический журнал. 1982. №4. – С. 3-5; Хамрабаев И.Х., Шаякубов Т.Ш., и др. Академик Ҳабиб Абдуллаев – верный сын узбекского народа // Геологии и минеральные ресурсы. 2002. №3. – С. 3-6; Исаходжаев Б.А., Голованов И.М. Научное наследие Х.М. Абдуллаева и современные проблемы металлогении и прогнозирования // Геологии и минеральные ресурсы. 2002. №3. – С. 7-10., ва бошқ.

<sup>5</sup> Раупов Р. Устун (роман-хотира). –Тошкент: Фан ва технология, 2005. – 240 б.

<sup>6</sup> Шамсутдинов Р.Т., Хасанов Ж.М. Абдуллаев Ҳабиб Муҳамедович (1912-1962) // Водийнома. 2017. №1 (3). – Б. 76-80; Шамсутдинов Р.Т. Абдуллаев Ҳабиб Муҳамедович (1912-1962) // Водийнома. 2017. №2 (4). – Б. 91-98; №3 (5) Махсус сон. – Б. 74-78; №4 (6). – Б. 41-55; №5 (7). – Б. 34-36.

<sup>7</sup> Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Иккинчи китоб II қисм. /Ўзбекистон Шўролар истибодиди даврида/. – Андижон: 1998. – 624 б; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб. – Андижон: Andijon nashriyot-matbaa, 2004. – 652 б; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Uchinchi kitob. (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). – Toshkent: Sharq, 2016. – 464 б.

<sup>8</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 574 б.

<sup>9</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 245, 249.

режасидан ўрин олган ҳамда “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондининг “Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилиги даври тарихи (1867-1991 йиллар)” тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Х.М.Абдуллаевнинг кенг кўламдаги ва бой илмий мероси, ҳаёти, фаолияти, унинг юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашдаги ташкилотчилиги, ташаббускорлигини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёт йўли ва геолог олим сифатида шаклланиш жараёнини ёритиш;

олимнинг геология фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда халқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашдаги фаолиятини таҳлил қилиш;

Ҳабиб Абдуллаевнинг республика ҳукумати раиси ўринбосари лавозимида Ўзбекистон халқ хўжалиги ривожига қўшган ҳиссаси масаласини очиб бериш;

Ҳабиб Абдуллаевнинг Ўзбекистон Фанлар академиясига раҳбарлиги даврида олиб борган ташкилотчилик, миллий илмий кадрлар тайёрлашдаги ташаббускорлик фаолиятини ўрганиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида таклифлар тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти, илмий мероси, унинг республика илм-фани ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда олиб борган фаолияти олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** Ҳабиб Абдуллаевнинг Ўзбекистонда илм-фан таракқиётига, миллий кадрлар ҳисобига республика илмий салоҳиятини оширишга, кўплаб илмий-тадқиқот институтларини очиш орқали республиканинг иқтисодий ривожига қўшган ҳиссаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, статистик материалларни таҳлил этиш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳукумат аъзоси ва геолог олим сифатида фронт ва фронт ичкарасини зарур ресурслар билан таъминлаш ва стратегик аҳамиятдаги қазилма бойликларни қидириш ва ишга солишдаги иштироки Бекобод металлургия комбинатининг ишга туширилишига, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалиги ривожланишига муҳим ҳисса бўлганлиги кўрсатиб берилган;

XX асрнинг 40–50-йилларида Ўзбекистонга Марказдан таклиф этилган илмий мутахассислар маҳаллий илмий кадрлар тайёрлашда кутилган натижани бермаганлиги боис, Ҳабиб Абдуллаев ташаббуси билан 1957-1962 йилларда ўзбекистонлик ёш олимларни собиқ иттифоқнинг етакчи илмий марказлари аспирантура ва докторантурасига юбориш орқали миллий илмий кадрлар тайёрлаш муаммоси ечимини топганлиги очиб берилган;

олимнинг саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон Фанлар академиясида 1956-1962 йилларда “металлургия”, “машинасозлик”, “тоғ ишлари”, “автоматика”,

“рангли ва нодир металллар технологияси ва кимёси”, “ўсимликлар биокимёси ва физиологияси”, “тупроқшунослик”, “мелиорация” каби янги ихтисосликлар очилганлиги аниқланган;

1956-1962 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси аспирантурасига қабул қилинганларнинг 50% ини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этганлиги ва Я.Ғуломов, О.Эшон, Х.Иноят, Ш.Шомағдиев, Х.Пўлатов, Ғ.Рашидовларни қобилятига қараб иш билан таъминлаш ёки лавозимга қўйишдаги Ҳабиб Абдуллаевнинг фаолияти марказ томонидан миллатчиликда, таниш-билишчиликда асоссиз айблангани ҳамда танқид-таъйиққа учрагани очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

академик Ҳ.М.Абдуллаевнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти сифатида илмий-тадқиқот муассасалари ва илмий кадрлар сонини оширишга қўшган самарали ҳиссаси аниқ мисоллар билан очиқ берилди;

Ҳабиб Абдуллаевнинг Иккинчи Жаҳон уруши йилларида ҳукумат раиси ўринбосари лавозимидаги фаолияти Ўзбекистон саноати ва фани ривожига муҳим натижаларга олиб келгани аниқ далиллар билан исботлаб берилди;

олимнинг миллий илмий кадрларни тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, қобилятига қараб иш билан таъминлашдаги фаолияти марказ ва республиканинг айрим раҳбарлари томонидан асоссиз айбланганлиги очиқ берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** ишда Ўзбекистон тарихи фани эришган янгиликлар, янгича ёндашувлар ва усулларнинг қўлланилгани, архив ҳужжатлари ва оғзаки тарих намуналаридан кенг фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида фан ривожига ва бу жараёнда муайян олимлар ва давлат арбобларининг тутган ўрни кўплаб янги тарихий фактлар, маълумотлар билан очиқ берилган. Диссертация материаллари ва илмий хулосаларидан Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёритишда, хусусан, фан ривожланишининг мураккаб ва зиддиятли жиҳатларини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёт йўли ва Ўзбекистон фани тараққиётига қўшган ҳиссасига доир маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг 1940-1960 йиллар тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда олий ўқув юртлари, умумтаълим ва ўрта махсус таълим тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, тегишли давлат музейлари учун экспонатлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг илмий хулоса ва натижалари асосида:

Ҳабиб Абдуллаевнинг геология соҳасидаги илмий тадқиқотлари, Ўзбекистон саноатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, хусусан, Андижонда нефть конининг очилиши, Бекобод металлургия комбинатини ташкил этишдаги иштироки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳукумат раиси ўринбосари лавозимидаги ташкилотчилик фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган мустамлакачилик сиёсати (1940-1960 йиллар)” мавзусидаги экспозицион режаларини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 01-11-08-5061-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган Ҳ.М.Абдуллаев фаолиятининг мураккаб жараёнлари тарихини ёритишга хизмат қилган;

Ҳабиб Абдуллаевнинг 1956-1962 йилларда Ўзбекистон халқ хўжалиги учун маҳаллий илмий кадрлар тайёрлашдаги ташаббуси ва ташкилотчилиги, Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида ўнга яқин янги илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил этиш орқали маҳаллий илмий кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилишига оид материаллардан “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди томонидан эълон қилинган илмий нашрларда фойдаланилган (“Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондининг 2018 йил 27 ноябрдаги 0/53-сон маълумотномаси). Бу материаллар Ҳ.М.Абдуллаевнинг Ўзбекистонда фан ва таълим ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини ҳар тарафлама ўрганиш ва бу бўйича янги тарихий тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та, жумладан, 3 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 140 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши кўрсатилган.

**“Ҳ.М.Абдуллаевнинг геолог олим сифатида шаклланиши ва халқ хўжалигидаги фаолияти”** деб номланган биринчи бобда Ҳабиб

Абдуллаевнинг ёшлик ва ўспиринлик даври XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар гирдобидида кечгани таҳлил қилинган. Ҳабиб Абдуллаевнинг 1941 йилда ёзган таржимаи ҳолида 1912 йил 31 августда Фарғона области Ўш уезидида ўртаҳол оилада туғилгани ва 1924 йилда отаси вафотидан сўнг 1928 йилгача ҳаммолик, батраклик қилиб кун кечиргани қайд этилган<sup>10</sup>. У дастлаб ўзига тўқ деҳқон оиласида қоранда, сўнгра пилла қурти тайёрловчи заводда ишчи бўлиб ишлаб ҳамкасблари эътиборига тушган<sup>11</sup>. 1929 йилда, ўша давр ёшлар ғоявий-мафкуравий ташкилоти – комсомол ташкилотининг Ўш-Аравон кенгаши аъзолигига сайланади<sup>12</sup>. Айни вақтда етти йиллик кечки мактабда ўқишни давом эттириб, уни тўрт йилдаёқ (1926-1930 йиллар) тамомлаган. 1930 йилда Ўш вилояти комсомол комитети йўлланмаси билан Ҳабиб Абдуллаев Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тайёрлов курсига юборилган. Тайёрлов курсини муваффақиятли тамомлаган Ҳабиб Абдуллаев Ўрта Осиё геология-разведка институтининг (кейинчалик, Ўрта Осиё Индустириал институти “Геология қидирув, ершунос-кон қидириш ва уни чамалаш”) факультетига ўқишга кирган<sup>13</sup>.

1935 йил ноябрдан 1939 йил майгача Москва геология-разведка институти аспирантурасида таҳсил олган. Ҳабиб Абдуллаев 1939 йил 28 июнда 27 ёшида “Ўзбекистондаги Лангар вольфрам-молибден кони геологик тузилиши, минерал таркиби ва генезиси” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, геология-минералогия фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган<sup>14</sup>.

Ҳ.Абдуллаев 1940 йилдан Ўрта Осиё Индустириал институтида доцент, 1947 йилдан профессор, 1951 йилдан Ўрта Осиё политехника институти Петрография ва металлогения кафедраси мудири лавозимида хизмат қилган<sup>15</sup>. Уруш бошланган 1941 йилдан 29 ёшли Ҳабиб Абдуллаев бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ССР Илмий-техник жамиятида Кенгаш раиси<sup>16</sup> ва Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси саноат бўлими мудири вазифасида фаолият юритган<sup>17</sup>.

Ҳ.М. Абдуллаев 1942 йил 14 январда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари<sup>18</sup>, 1944 йилда ЎзССР Давлат режа қўмитаси раиси этиб тайинланди<sup>19</sup>.

<sup>10</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 11–47-варақлар.

<sup>11</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 12-варақ.

<sup>12</sup> ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 2-варақ; ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 12–47-варақлар.

<sup>13</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 12–47-варақлар; ЎЗР МДА, 2575- фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 4-варақ.

<sup>14</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 12–47-варақлар; ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1–13-варақлар; 161-иш, 1–27-варақлар.

<sup>15</sup> ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1, 4-варақ.

<sup>16</sup> ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 13-варақ.

<sup>17</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 18-варақ; 47-варақ орқаси; ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1-варақ.

<sup>18</sup> ЎЗР МДА, 2454-фонд, 1-рўйхат, 833-иш, 2-варақ; ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1–13-варақлар; ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 12-варақ орқаси, 15, 19, 47-варақ орқаси.

<sup>19</sup> ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1, 3, 14-варақ; ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 18, 47-варақ.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон қора металлургиясининг тўнғич корхонаси Бекобод металлургия заводи (1944)ни лойиҳалаш ва бунёд этишда Ҳабиб Абдуллаев бевосита иштирок этди. У 1941 йилда ўзбек дивизиясини ташкил этишга ҳам катта ҳисса қўшди<sup>20</sup>.

Ҳабиб Абдуллаев 1946 йил майда 34 ёшида СССР Фанлар академияси Геология фанлари институтида “Ўрта Осиё шеелитли скарнлар геологияси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>21</sup>. 1946 йилда ЎзССР Фанлар академияси Президиуми қошида ташкил этилган Ишлаб-чиқариш кучларини тадқиқ этиш Совети (СОПС)га Ҳабиб Абдуллаев раислик қилди<sup>22</sup>. Ҳабиб Абдуллаев ўша йилнинг ўзида ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Шу йилдан академиянинг вице-президенти<sup>23</sup>, айна пайтда Фанлар академияси Геология институти директори (1947-1949), институтнинг Петрология ва металлогения бўлими бошлиғи (1947-1952) лавозимларида иш олиб борди<sup>24</sup>. 1947 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги этиб сайланди<sup>25</sup>, 1958 йилда эса СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси бўлди<sup>26</sup>. Ҳабиб Абдуллаев республика аҳолисининг ишончи ва ҳурматини қозонган эди. Ўз фаолияти давомида СССР Олий Совети (1958-1962)<sup>27</sup> ва ЎзССР Олий Совети (1948-1960) депутати<sup>28</sup>, Ўзбекистон КП МҚ аъзоси (1956 йилдан) сифатида ижтимоий-иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида ибратли фаолият кўрсатди.

1950 йилда янги ташкил этилган Бутуниттифоқ минералогия жамияти Ўзбекистон бўлими раислигига сайланиб<sup>29</sup>, бу лавозимда умрининг охиригача фаолият кўрсатди. 1952-1955 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси техника, геология-кимё фанлари бўлими раиси<sup>30</sup>, 1955-1956 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўринбосари сифатида самарали фаолият олиб борди. 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти этиб сайланиши Ҳабиб Абдуллаев фаолиятида алоҳида бир давр бўлди. Олим бу лавозимда 1962 йил 23 январгача фаолият кўрсатди.

Ҳабиб Абдуллаевнинг геология фани соҳасидаги тадқиқотлари, асосан, маъданлар ҳосил бўлиши масаласига қаратилган бўлиб, ушбу йўналиш ўз даврида В.А.Обручев, С.С.Смирнов. Ю.А.Бибиллин, Д.С.Коржинский, В.И.Смирнов каби таниқли олимлар томонидан асос солиниб,

<sup>20</sup> Акрамхўжаев О.М., ва бошқалар. Ҳабиб Мухаммедович Абдуллаев. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 12; Шамсутдинов Р.Т. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Биринчи китоб. – Тошкент: Академнашр, 2017. – Б. 167-172; 475; ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 31-варақ.

<sup>21</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1–14-варақлар; ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 18–47-варақ орқаси.

<sup>22</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 23-варақ; ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 4-варақ; Абдуллаева Ф. Эл фарзанди // Шарқ юлдузи. 1987. №1. – Б. 113.

<sup>23</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 22, 25-варақ.

<sup>24</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 4-варақ.

<sup>25</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 142-иш, 1-2 варақлар; 147-иш, 1, 9-варақ ва орқаси, 11–13-варақлар.

<sup>26</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 43-варақ; ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1-варақ.

<sup>27</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 15-варақ.

<sup>28</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 42-варақ; ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 147-иш, 1–24-варақ.

<sup>29</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 6, 14-варақ.

<sup>30</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 34-варақ (Ўзбекистон КП(б) МҚ 1952 йил 27 июндаги мажлиси №227-баённомасидан кўчирма).

шакллантирилган эди. Ҳабиб Абдуллаев нафақат уларнинг изидан борди, балки бу соҳани янги босқичга олиб чиқди ва ўз мактабини яратди.

1950 йили эълон қилинган “Рудаларнинг гранитоид интрузиялари билан генетик боғлиқлиги” номли йирик монографияси геология фанида катта бир инқилоб бўлди<sup>31</sup>. Геология фанининг энг долзарб масалаларига бағишланган мазкур асар ўша вақтда Тошкент, Москва, Ленинград, Боку ва бошқа йирик шаҳарларда катта тортишувларга сабаб бўлди. Ҳабиб Абдуллаев ўзининг янги фикр, ғоя ва илмий фаразларини ҳимоя қилиб, бир неча бор собиқ Иттифоқнинг қатор илмий марказларида ўтказилган очик илмий мунозараларда ўзининг илмий қарашларини ҳимоя қилиб чиқди. Ҳатто докторлик диссертацияси ҳимоясида расмий оппонентлари бўлганлар ҳам бу вақтга келиб илмий журналларда танқидий чиқишгача бориб етган эдилар.

Айрим геолог олимлар гуруҳи (В.Э.Поярков, А.В.Пуркин, Н.В.Нечелюстов ва бошқалар) Ҳабиб Абдуллаевга кўчирмакашлик айбини кўйди. Жумладан, 1951 йил январь ойида Геология институтида бўлган илмий кенгашда илмий ходим Г.Г.Грушкин сўзга чиқиб, Ҳабиб Абдуллаевга фанда совет олимларининг эмас, буржуа олимлари назариясини қўллаб-қувватлаган, ўшалар билан фикр алмашган, деган айблар кўйди<sup>32</sup>.

Аммо Ҳ.М.Абдуллаевнинг илмий ютуқларини марказдаги йирик академиклар – Д.В.Наливкин, Д.И.Шчербаков, Ю.А.Бибиллин, Д.С.Корженский, республикада маслакдошлари Ғ.Мавлонов, О.Акрамхўжаев, И.Ҳамробоев ва бошқалар эътироф этганлар ва ғояларини қўллаб-қувватлаб турганлар.

1954 йилда “Рудаларнинг гранитоид интрузиялари билан генетик боғлиқлиги” номли монографиясининг қайта нашр этилиши, Ҳабиб Абдуллаевнинг дунё миқёсидаги таниқли олимлар қаторидан жой олишига сабаб бўлди. Бу монография 1957 йилда геолог олимлар – Сюй Цэй-ман, Хуан Юан-хуа, Мэнь Сянь-мин ва Се Цзя Жун тарафидан хитой тилига таржима қилиниб, Пекинда нашр қилинди<sup>33</sup>.

Бу монографияси Ҳабиб Абдуллаевга нафақат собиқ Иттифоқда, балки хорижлик олимлар орасида ҳам катта шухрат олиб келди. Унда илгари сурилган илмий ғоялар ҳозирги кун геология фанида ҳам кескин мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги ҳамдўстлик давлатларига кирган айрим республикалар геология фани металлургик мактабларида Ҳабиб Абдуллаев илгари сурган ғоялар қабул қилингани ва амалда қўлланиб келинаётгани ҳам эътиборга молик<sup>34</sup>.

<sup>31</sup> Хамрабаев И.Х., Шаякубов Т.Ш. и др. Академик Ҳабиб Абдуллаев-верный сын узбекского народа // Геологии и минеральные ресурсы. 2002. №3. – С.5; Қаранг: ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 1-116-варақлар; 52-иш, 1-194-варақлар; 53-иш, 1-144-варақлар; 54-иш, 1-71-варақлар; 55-иш, 1-90-варақлар; 56-иш, 1-7-варақлар; 57-иш, 1-36-варақлар; 58-иш, 1-120-варақлар; 59-иш, 1-108-варақлар; 60-иш, 1-179-варақлар; 61-иш, 1-118-варақлар;

<sup>32</sup> Главному редактору газеты «Правда». ЎзР МДА, 2575-фонд, 141-рўйхат, 160-иш, 2-варақ.

<sup>33</sup> Роль члена-корреспондента АН СССР академика АН УзССР профессора Х.М. Абдуллаева в развитии геологической науки в Узбекистан // Узбекский геологический журнал. 1963. №3. –С.7.

<sup>34</sup> Исаходжаев Б.А., Голованов И.М. Научное наследие Х.М. Абдуллаева и современные проблемы металлогении и прогнозирования // Геологии и минеральные ресурсы. 2002. №3. – С.7-10.

Олимнинг тадқиқотлари ҳамда илмий мактаби Ўзбекистоннинг истиқболли кон минтақалари – Қизилқум, Чотқол-Курама тоғлари ҳамда бутун Марказий Осиё республикалари ҳудудларини ўз ичига олган. Ҳ.М.Абдуллаев жаҳонда биринчи бўлиб Марказий Осиёни махсус металлогеник минтақа сифатида ажратди. Унинг тадқиқотлари ўз даврида совет фанигагина эмас, жаҳон геология фанига ҳам катта ҳисса бўлиб кўшилгани замондош олимлар томонидан эътироф этилган<sup>35</sup>.

Ҳабиб Абдуллаевнинг геология соҳасида илгари сурган илмий фаразлари XX асрнинг 50-йилларида бутун дунё олимлари эътиборини тортган. ЎзССР ФА Президенти Ҳабиб Абдуллаев 1956 йилда Мехикода бўлган геологларнинг XX халқаро конгрессида конларнинг пайдо бўлиши назариясига бағишланган илмий маърузаси билан иштирок этади<sup>36</sup>. Кейинчалик Ҳиндистон (1957), Чехославакия (1958), Хитой (1958), Дания (1961) каби мамлакатларда илмий сафарларда, расмий ва жамоат ташрифлари билан Швейцария, Италия, Франция, Буюк Британия, Финляндия мамлакатларида бўлди<sup>37</sup>. Иттифоқдош республика олимларидан ташқари, чехословакиялик А.Дудек, Ян Кутин, АҚШлик Ален М.Бетман, шотландиялик К.Ф.Девидсон сингари жаҳоннинг таниқли геолог олимлари билан яқиндан алоқада бўлган<sup>38</sup>.

Буюк Британия Минералогия жамияти аъзоларининг 1960 йил 21 мартдаги мажлисида Ҳ.М.Абдуллаев мазкур жамиятнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланади<sup>39</sup>. Шу йилнинг ўзида Франция Геология жамияти аъзолигига ҳам сайланди<sup>40</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ҳ.М.Абдуллаевнинг Ўзбекистон Фанлар академияси тараққиётида тутган ўрни”** деб номланган. Унда Ҳабиб Абдуллаевнинг Фанлар академияси тизимидаги фаолияти очиқ берилган.

Қадимдан илм-фан марказларидан бири бўлган Ўзбекистонда 1925 йилда Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида Академик марказ ташкил топган эди<sup>41</sup>. 1932 йил 11 октябрда республикадаги илмий текшириш муассасаларига раҳбарлик қилувчи Ўзбекистон Фан қўмитаси ташкил этилди<sup>42</sup>. 1940 йил 9 январда эса Фан қўмитаси негизида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистондаги филиали (ЎзФАН) очилди<sup>43</sup>. Республика Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон КП(б) Марказий

<sup>35</sup> Шоёкубов Т., Аҳмедов М. Ўзбек деган халқ бор экан, сен унутилмайсан! // Ҳизр назар қилган олим (Академик Ҳ.М.Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланади). – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 38.

<sup>36</sup> ЎзР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 47-варақ.

<sup>37</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1-варақ.

<sup>38</sup> Абдуллаева Ф. Донишманд // Фан ва турмуш.-Тошкент, 1987. -№4. – Б. 8-10; Мавлонов Ғ. Жавохиршунос // Фан ва турмуш. -Тошкент, 1971. №5. – Б. 14.

<sup>39</sup> ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 7-варақ.

<sup>40</sup> Қориев М. Унутилмас сиймо // Халқ сўзи, 2002 йил 29 август; ЎзР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 16-варақ.

<sup>41</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 244.

<sup>42</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 390.

<sup>43</sup> ЎзР ФАМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 1150-иш, 5-6-варақлар; 101-иш, 108-варақ.

Қўмитасининг СССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги филиалини ЎзССР Фанлар академиясига айлантириш тўғрисидаги илтимосига кўра, 1943 йил 27 сентябрда СССР Халқ Комиссарлари Советининг “Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори чиқарилди<sup>44</sup>. 1943 йил 4 ноябрда Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилгани расман эълон қилинди<sup>45</sup>. Янги ташкил этилган академия таркибида 10 та илмий текшириш институти мавжуд бўлиб, унда уруш кетаётган бир пайтда жами 210 та илмий ходим, жумладан, 28 нафар фан доктори ва 80 нафар фан номзоди меҳнат қиларди<sup>46</sup>. 1943-1956 йиллар Фанлар академияси фаолиятида энг оғир давр бўлиб, мазкур йилларда Т.Н.Қори-Ниёзий (1943-1947), Т.А.Саримсоқов (1947-1952), Т.З.Зоҳидов (1952-1956) каби ўзбек олимлари фидокорона меҳнат қилдилар<sup>47</sup>. Фанлар академиясининг ана шундай фидойиларидан бири – Ҳабиб Абдуллаев ҳаёти ва илмий-ташкилий фаолияти ҳам академия билан чамбарчас боғлиқ эди. Олимнинг Фанлар академиясидаги фаолияти бевосита икки даврда кечди:

биринчи давр – 1943-1956 йиллар;

иккинчи давр – 1956-1962 йиллар.

Биринчи даврда олим Фанлар академияси Геология институти директори<sup>48</sup>, Фанлар академияси вице-президенти<sup>49</sup> сифатида иш олиб борди. Иккинчи даврда эса Ўзбекистон Фанлар академиясига бевосита раҳбарлик қилиб, академиянинг ва айна пайтда республика илм-фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди<sup>50</sup>.

1956 йил 6 октябрда Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзолари иштирокидаги йиллик йиғилишида мазкур академияга янги президент сайлови бўлди. Унда Ҳабиб Абдуллаев бир овоздан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти этиб сайланди. Ҳабиб Абдуллаевнинг раҳбар этиб сайланиши академия фаолияти ва республикада маҳаллий илмий кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар ривожига муҳим давр бўлди.

Ҳабиб Абдуллаев Фанлар академияси таркибида Гидрогеология ва инженерлик геологияси, Нефть-газ конлари геологияси ва қидирув ишлари каби янги замонавий илмий-тадқиқот муассасаларини очишда бош-қош бўлди. Шунингдек, бир қатор янги илмий муассасалар: 1956 йилда Ядро физикаси, Ўсимлик кимё моддалари, Сув муаммолари ва гидротехника

<sup>44</sup> ЎзССР Фанлар академиясини ташкил қилиш тўғрисида СССР ХКС қарори // ЎзССР Фанлар академияси бюллетени. 1944. №1-4. – Б. 3.

<sup>45</sup> ЎЗР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 3745-иш, 41-варақ; Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил (Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланади). – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 45; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 221; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 246.

<sup>46</sup> ЎЗР ФАМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 101-иш, 108-варақ; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б. 389.

<sup>47</sup> Абдуллаев Ҳабиб Мухамедович // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б. 390.

<sup>48</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 25-варақ.

<sup>49</sup> ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 4-варақ.

<sup>50</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 32-варақ; ЎЗР МДА, 2575-фонд, 1-рўйхат, 160-иш, 1-варақ.

институтларини, 1957 йилда Генетика ва физиология, Кон бўлими, Ўлка медицина институтларини, 1958 йилда Фалсафа ва ҳуқуқ институтини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди<sup>51</sup>.

1960 йиллар бошига келиб, Фанлар академияси илмий фаолиятида аниқ ва табиий фанлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳалари билан бирга ижтимоий-фан соҳалари – тарих, шарқшунослик, тил ва адабиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ каби фан йўналишларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ҳабиб Абдуллаев маҳаллий миллат вакилларида чикқан, миллатпарвар раҳбар сифатида Фанлар академияси фаолиятини янада кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чикди. Унда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган эди:

- кадрлар тайёрлашни яхшилаш;
- олимларнинг маиший турмуш шароитини яхшилаш;
- Фанлар академияси ИТМларида муносиб иш шароитини яратиш;
- нашриёт ва нашрчилик фаолиятини янада кенгайтириш;
- Фанлар академияси акедемиклари ва мухбир аъзолари сонини ошириш.

Албатта, Ҳабиб Абдуллаевнинг фидокорона олиб борган меҳнатлари ўз самарасини берди. Фанлар академиясида турли йўналишларда, айниқса, миллий кадрлар тайёрлаш борасида катта ютуқларга эришилди. Фанлар академияси фаолиятини 1956 йилга нисбатан қиёслаганда, 1962 йилда унинг таркибида 10 га яқин янги илмий-тадқиқот муассасалари очилганини, илмий ходимлар сони эса 4 баробар ортганини кўриш мумкин<sup>52</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Ҳабиб Абдуллаевнинг Фанлар академияси раҳбарлиги давридаги ташаббускорлиги, ўша давр таъбири билан айтганда, “ўзбошимчалиги”, республика ва марказ раҳбариятини “беътибор” қолдирмади. Партия ва совет раҳбарияти томонидан Ҳабиб Абдуллаев шаъни ва фаолиятига нисбатан бир неча бор асосиз танқидлар қилинди. Албатта, бу каби танқидларда олимга ҳасад билан қаровчи айрим замондошларининг имзосиз мактублари ҳам маълум маънода ўз таъсирини кўрсатган эди.

1960 йилда СССР Фанлар академиясидан юборилган комиссия текширувлари натижасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг кимё, генетика ва бошқа айрим институтларида олиб борилган тадқиқотларда камчиликларга йўл қўйилган, деган хулосага келинди. Натижада 1962 йил 22 январда Ўзбекистон КП МҚ бюросининг йиғилиши чақирилди. Йиғилиш танқидий руҳда бўлиб, кун тартиби “Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фаолияти масаласи” деб белгиланган бўлса-да, унда асосан Ҳабиб Абдуллаев фаолияти кўриб чиқилган. Йиғилишда шахсан Ҳабиб Абдуллаев фаолиятига нисбатан бир қатор асосиз танқидий фикрлар билдирилган.

Ҳабиб Абдуллаев Ўзбекистон КП МҚ бюросининг 1962 йил 22 январдаги йиғилишида сўзлаган нутқида академия фаолиятига билдирилган бир қатор камчиликлар асосиз эканлигини, жумладан, Фанлар академиясида

<sup>51</sup> ЎЗР ФАМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 1130-иш, 43-варақ.

<sup>52</sup> ЎЗР ПАА, 58-фонд, 226-рўйхат, 18-иш, 13-варақ. Постановление Бюро ЦК Компартии Узбекистана «О мерах по улучшению работы Академии наук Узбекской ССР». 22.01.1962. №8/1.

кадрлар масаласи аллақачон ҳал қилингани, хусусан, илмий ходимлар сони 1962 йилда 1956 йилга нисбатан 1600 кишидан 8000 кишига етганини, зеро, кадрлар тайёрлаш билан 2-3 йил олдин эмас, 10 йиллар аввал шуғуллана бошланганини таъкидлаган<sup>53</sup>. Лекин, шунга қарамай, Ҳабиб Абдуллаевнинг касаллиги баҳона қилиниб, Фанлар академияси президенти лавозимидан “ўз аризасига асосан” озод қилинган<sup>54</sup>.

Бўлиб ўтган ишлар олимнинг соғлиғи, руҳиятига салбий таъсир ўтказди. Натижада геология фанида янги назария яратган, жаҳон миқёсида тан олинган, Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳукуматнинг юқори лавозимларида ишлаб, топшириқларни ўз вақтида бажарган, урушдан кейин умрини Ўзбекистон фани ривожига бахшида қилган олим ўз лавозимидан асосиз равишда бўшатилади. Унга қўйилган асосиз айблар, кўрсатилган ноҳақ камчиликлар уни касалликка чалинтирди ва Ҳабиб Абдуллаев 1962 йил 20 июнда оғир хасталиқдан сўнг вафот этди<sup>55</sup>.

Бутун ҳаётини республика илм-фани тараққиёти учун бағишлаган Ҳабиб Абдуллаев вафоти билан боғлиқ дафн маросимлари Тошкентдаги Чиғатой қабристонига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўринбосари С.О.Азимов бошчилигида ўтказилди<sup>56</sup>. Ҳабиб Абдуллаев вафотидан кейин олимнинг 7 жилдлик “Танланган асарлари” чоп этилди<sup>57</sup>.

Диссертациянинг **“Маҳаллий илмий кадрлар тайёрлаш муаммоси ва уни ечишда Ҳ.М.Абдуллаевнинг роли”** деб номланган учинчи бобида 1950-1960 йилларда илмий кадрлар тайёрлашдаги муаммолар, Ҳабиб Абдуллаевнинг маҳаллий илмий кадрлар сонини оширишга қўшган ҳиссаси ўрганилган.

